

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12. 2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЛДАШЕВ КАХРАМОНЖОН АБДУХАЛИЛОВИЧ**

**ЎТКИР ҚЎШАЛОК БОШ МИЯ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА  
ИККИЛАМЧИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ КОМПЛЕКС  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Қулдашев Кахрамонжон Абдухалилович**

Ўткир қўшалок бош мия шикастланишларида

иккиламчи шикастланишларни комплекс ташхислаш

ва даволаш..... 3

**Қулдашев Кахрамонжон Абдухалилович**

Комплексная диагностика и лечение вторичных

повреждений головного мозга в остром периоде

сочетанной черепно-мозговой травмы..... 27

**Kuldashev Kakhramonjon Abdukhalilovich**

Complex diagnostics and treatment of secondary

brain injuries in the acute period of concomitant

traumatic brain injury..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12. 2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЛДАШЕВ КАХРАМОНЖОН АБДУХАЛИЛОВИЧ**

**ЎТКИР ҚЎШАЛОК БОШ МИЯ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА  
ИККИЛАМЧИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ КОМПЛЕКС  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3DSc/Tib207 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Худойбердиев Кобилжон Турсунович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мамадалиев Абдурахмон Маматкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Кравчук Александр Дмитриевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Лазарев Валерий Александрович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат «\_\_» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100010, Андижон ш, Ю.Отабеков кўчаси 1. Тел./факс: (874) 237-54-33).

Докторлик диссертацияси билан Андижон давлат тиббиёт институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100010, Андижон ш, Ю.Отабеков кўчаси 1. Тел./факс: (874) 237-54-33).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ -рақамли тарқатма баённомаси реестри).

**М.М. Мадазимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Н.С. Мамасалиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI асрда бутун дунёда жароҳатланиш ва шикастланишларнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда, улар орасида энг мураккаблари ўлим даражаси 30-40% ни ташкил этувчи мия ва орқа миянинг комбинацияланган ва қўшалок шикастланишларидир. Бош миянинг травматик шикастланиши, айниқса, 45 ёшгача бўлганларда, касалланиш ва ўлимнинг асосий сабаби бўлиб, 50-70% ҳолларда экстракраниал шикастланишлар билан бирга кузатилади. Бош миянинг қўшма шикастланиши (БМҚШ) да ўлим даражаси 13% дан 70% гача ўзгариб туради. Муаллифларнинг маълумотларига кўра «...бош миянинг оғир шикастланишидан кейин интракраниал босимнинг (ИКБ) доимий мониторинги нейрореанимациянинг асоси бўлиб, иккиламчи мия шикастланишининг биомаркери бўлиб хизмат қилади...»<sup>1</sup>. Иккиламчи мия шикастланиши механизмини тушуниш лозим, чунки ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда, хирургик ва консерватив даволаш учун адекват алгоритмни ишлаб чиқиш, шунингдек, БМҚШ яқунларини башорат қилиш мумкин. Шу сабабли, қўшалок жароҳатланган беморларни даволаш ва реабилитация қилишнинг рационал дастурини танлаш, оператив аралашувнинг техник жиҳатлари, зарурати ва ўтказиш муддатларини аниқлаш замонавий нейрохирургиянинг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бош мия шикастланишининг биомеханик, патофизиологик, гистологик ва морфологик хусусиятларини ўрганиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада шикастланган мия патофизиологиясини тушуниш учун потенциал фойда келтириши мумкин бўлган нейромониторингнинг ҳар хил турларини биргаликда қўллаш, катетер ёки босим датчигини орқа мия суяқлиги ёки мия тўқималарига жарроҳлик йўли билан киритиш натижасида келиб чиқадиган инфекция ва мия тўқималарига зарар етказиш хавфини олдини олиш, инвазив интракраниал босим мониторингига қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, оғир БМҚШ ларда интенсив терапия ва жарроҳлик ёрдамининг замонавий тамойилларини жорий этиш орқали қўшма шикастланишлар ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатлар билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу

<sup>1</sup> Dai H, Jia X, Pahren L, Lee J, Foreman B. Intracranial Pressure Monitoring Signals After Traumatic Brain Injury: A Narrative Overview and Conceptual Data Science Framework. *Front Neurol.* 2020 Aug 28;11:959. doi: 10.3389/fneur.2020.00959. PMID: 33013638; PMCID: PMC7496370.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, бош мия ва орқа миянинг кучайиб боровчи компрессиясида даволаш усулини танлашга тактик ёндашувларни, шунингдек, бош миянинг интракраниал ва экстракраниал иккиламчи шикастланишларини комплекс ташхислаш ва нейротравматологик даволашни оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup> Бош миянинг кўшма шикастланиши патогенезини ўрганиш ва даволаш тактикасини танлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Oklahoma, University of Chicago, Columbia University (АҚШ); «LaSapienza» University (Италия); Free University of Berlin (Германия); IU School of Medicine (Хиндистон), «А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббий тадқиқот хирургия маркази» ФДБМ (Россия), «Украина ТФМАнинг В.Т.Зайцев номидаги умумий ва шошинч хирургия институти» ДМ (Украина), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия ҳамда нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика шошинч

---

<sup>3</sup> Koizumi H, Suehiro E, Fujiyama Y. Update on intensive neuromonitoring for patients with traumatic brain injury: a review of the literature and the current situation. *Neurol Med Chir (Tokyo)*. 2014;54(11):870-7. doi: 10.2176/nmc.ra.2014-0168. Epub 2014 Oct 31; Doron O, Or T, Battino L. Cerebral blood flow augmentation using a cardiac-gated intracranial pulsating balloon pump in a swine model of elevated ICP. *J Neurosurg*. 2019 Apr 12;132(5):1606-1615. doi: 10.3171/2019.1.JNS182864; Basilio AV, Xu P, Takahashi Y. Simulating cerebral edema and delayed fatality after traumatic brain injury using triphasic swelling biomechanics. *Traffic Inj Prev*. 2019;20(8):820-825. doi: 10.1080/15389588.2019.1663347; Takahashi Y, Yanaoka T. Prediction of probability of fatality due to brain injury in traffic accidents. *Traffic Inj Prev*. 2019;20(sup1): S27-S31. doi: 10.1080/15389588.2019.1591621; Mistral T, Roca P, Maggia C. Automated Quantification of Brain Lesion Volume from Post-trauma MR Diffusion-Weighted Images. *Front Neurol*. 2022 Feb 23; 12:740603. doi: 10.3389/fneur.2021.740603; Shang Y, Wang Y, Guo Y. Analysis of the risk of traumatic brain injury and evaluation neurogranin and myelin basic protein as potential biomarkers of traumatic brain injury in postmortem examination. *Forensic Sci Med Pathol*. 2022 Feb 24. doi: 10.1007/s12024-022-00459-4.

тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бош мианинг қўшма шикастланиши мавжуд беморларда периператив мониторинг сифатини яхшилаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: беморларда бош мия шикастланишининг ўткир босқичида терапевтик гипотермия клиник натижага сезиларли ижобий таъсир кўрсатмайди (Department of Neurosurgery, Yamaguchi University School of Medicine, Ube, Yamaguchi, Tokyo, Япония); кардио-бошқарилувчи интракраниал баллонли помпани (ICBP) фаоллаштиришнинг оптималлаштирилган протоколлари тизимли кўрсаткичларга минимал таъсир кўрсатган ҳолда, мианинг физиологик кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатиши исботланган (Department of Neurosurgery, Hadassah-Hebrew University Medical Center, Jerusalem, Исроил); ўлимга олиб келадиган натижа учун прогноз қилинган ИКБ қийматлари 8,55 кПа (64,1 мм.с.м.уст.) эканлиги исботланган, бу ўлимнинг 99% эҳтимоли билан боғлиқ бўлиб, биологик тўқималарни зарядланган деформацияланувчи ғовак қаттиқ матрица (заряднинг қайдланган зичлиги [FCD]) сифатида моделлаштирадиган уч фазали биомеханикага кўра мия тўқималари шишади, суюқликнинг мия томонидан сингдирилиши Гиббс-Доннанинг осмотик босими ҳисобига амалга оширилади, ҳужайралар нобуд бўлганда эса FCDга таъсир қилади (Biomedical Engineering, Columbia University, New York, АҚШ); бош мианинг бирламчи деформациясини моделлаштириш ва ИКБ нинг кейинги ошиши комбинациясидан фойдаланган ҳолда ўлимга олиб келувчи оқибат эҳтимолини башорат қилиш, фақат бирламчи шикастланишни башорат қилиш билан солиштирганда, аниқроқ эканлиги аниқланган (Honda R&D Co., Ltd., Innovative Research Excellence, Tochigi, Япония); МР-таъсирлари бўйича ҳисобланган, шикастланишдан кейин бош мия зарарланишлари ҳажмини паст ва юқори MDда диффузияга кўра ўлчанган ўртача диффузиянинг (MD) аномал қийматларини аниқлашга асосланган атлас асосида микдорий баҳолашнинг автоматлаштирилган усули (AQP) имконияти мавжудлиги аниқланган, бу эса бош мианинг шишли зарарланишларининг тури ва даражасини аниқлашга имкон беради (Univ. Grenoble Alpes, Inserm U1216, CHU Grenoble Alpes, Grenoble Institut Neurosciences, Grenoble, Франция); Нейрогратин (Ng) ва миелиннинг асосий оқсили (MBP) БМШнинг потенциал биомаркерлари эканлиги исботланган, дисфункционал синаптик пластиклик, синапслар дегенерацияси ва миелин қобиғининг парчаланиши орқа мия суюқлигига кўп миқдорда Ng ва MBP тушишига олиб келиши мумкин, гематоэнцефалик барьернинг бузилиши туфайли Ng ва MBP қон оқимида киради, бу эса мианинг жиддий шикастланиши билан ортиб боради, бу БМШ дан кейинги ўткир босқичда мия тўқималарида Ng ва MBP даражаларининг камайиши ва зардобда кўтарилиши кузатилишининг потенциал механизмини тушунтириши мумкин (Department of Forensic Science, School of Basic Medical Sciences, Central South University, Changsha, 410013, Hunan, Хитой).

Дунёда бош мия шикастланган беморларни интенсив нейромониторинг қилиш, башорат предикторларини излаш, ҳужайралар дегенерацияси,

ҳаракатланишнинг пасайиши, когнитив ва ҳуқ-атвор дефицитини камайтириш йўналишларда қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: БМҚШ турли шакллариининг кардинал клиник кечиши динамикасини ва клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш; бош мия зарарланишининг иккиламчи сабабига боғлиқ ҳолда, БМҚШ турли шакллариининг клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш; бош миянинг иккиламчи шикастланиши жиҳатидан ҳар хил турдаги бош мия қўшма шикастланиши учун оптимал ташхисот мажмуасини ишлаб чиқиш; бош миянинг иккиламчи шикастланишининг асосий интракраниал ва экстракраниал механизмларига боғлиқ ҳолда консерватив даволаш усуллариини аниқлаш; бош миянинг қўшма шикастланишида нейротравматологик аралашувларнинг кўрсатмалари ва кўламини аниқлаштириш учун объектив мезонларни ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Травматология ва нейрохирургия ривожланишининг ҳозирги даври БМҚШ ни даволаш тенденцияларининг ўзгаришини баҳолаш муаммоларига эътибор қаратиш билан тавсифланади. Масалан, Joseph B. (2015) БМҚШ оғриган беморларни нейрохирургларнинг дастлабки иштирокисиз танлаб даволаш мумкинлигини аниқлаган, бу эса ресурслардан янада самарали фойдаланишга олиб келади<sup>4</sup>. Schiefecker A.J. (2015) терапевтик гипотермиянинг узок муддатли неврологик натижаларга таъсирини ҳали ҳам мунозарали деб ҳисоблаган<sup>5</sup>. Roldán M. ва бошқ. (2021) мия перфузиясини кузатиш имкониятига эга инфрақизил нурларнинг хромофор ютилишига асосланган инвазив бўлмаган янги мониторинг усули бўлган яқин инфрақизил худуднинг спектроскопияси (NIRS) мия ҳолати ҳақида эрта маълумот олиш учун жуда фойдали бўлиши мумкинлигини аниқладилар, чунки миянинг иккиламчи шикастланиши кўпинча жароҳатлардан кейинги биринчи соатларда содир бўлган<sup>6</sup>.

Махкамов К.Э. ва ҳаммуал. (2013) интракраниал қон қуйилиши бўлган беморларда иккиламчи мия шикастланишининг сабаблари, патогенези ва оқибатларини тасвирлаб берганлар. Муаллифларнинг таъкидлашича, шикастланиш ўчоқлари олиб ташланганидан кейин миянинг шишиши ва ўткир пролабирацияси кучайишида даволашнинг ягона усули бу декомпрессив краниотомия ҳисобланади<sup>7</sup>. Эрметов А.Т. ва ҳаммуал. (2019) таянч-ҳаракат тизимининг шикастланиши билан бирга оғир бош мия шикастланишларида, асосий патологиянинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, симультан ташрихларни бажариш керак деб ҳисоблайдилар<sup>8</sup>. Сапас N. ва бошқ. (2020) интракраниал босимни ўлчаш кўплаб неврологик ҳолатларни даволашда жуда муҳим эканлигини таъкидлаган, аммо мавжуд ИКБ

<sup>4</sup> Joseph B, Haider AA, Pandit V, Tang A, Kulvatunyou N, O'Keeffe T, Rhee P. Changing paradigms in the management of 2184 patients with traumatic brain injury. *Ann Surg.* 2015 Sep;262(3):440-8; discussion 446-8.

<sup>5</sup> Schiefecker AJ, Beer R, Broessner G. Can Therapeutic Hypothermia Be Guided by Advanced Neuromonitoring in Neurocritical Care Patients? A Review. *Ther Hypothermia Temp Manag.* 2015 Sep;5(3):126-34.

<sup>6</sup> Roldán M. Near-Infrared Spectroscopy in Traumatic Brain Injury. *Sensors (Basel).* 2021 Feb 24;21(5):1586.

<sup>7</sup> Махкамов К. Э., Кузйбаев Ж. М. Хирургическая коррекция вторичных повреждений головного мозга у больных с внутричерепными кровоизлияниями. *Вестник экстренной медицины*, 2013, (2), 104-107.

<sup>8</sup> Эрметов А.Т., Карабаев О.В., Холбаев Р.Э. и др. Случай симультаных операций на трех сегментах при тяжелой черепно-мозговой травме, сочетанной с травмой опорно-двигательного аппарата. *Вестник экстренной медицины*, 2019, 12 (4), 57-59.



мониторинги усулларининг инвазивлиги, юқори харажати ва малакага бўлган талаби туфайли, ундан фойда кўриши мумкин бўлган кўплаб беморлар, буни қабул қила олмайдилар<sup>9</sup>. Jha R.M., Kochanek P.M. ва бошқалар. (2019) оғир БМҚШдан кейин мия шиши ва интракраниал гипертензияни даволаш учун стандарт клиник протоколлар ўнлаб йиллар давомида ўзгармаган деб ҳисоблашган<sup>10</sup>. Liu D. ва бошқ. (2022) ген экспрессиясига таъсир қилувчи маҳаллий эпигенетик ўзгаришларни, айниқса ДНК метилациясида, аниқладилар ва БМШдан кейин интракраниал гипертензия ҳамда RGMA cg22111818 генидаги ДНК метилациясининг ўткир нобарқарор пасайиши ўртасида янги потенциал ўзаро боғлиқликни топишган<sup>11</sup>. Сабиров Д.М.<sup>12</sup> (2012), Исакулов Ш.Р.<sup>13</sup>, Al-Mufti F.<sup>14</sup> (2019), Foreman B.<sup>15</sup> (2019), Cook A.M.<sup>16</sup> (2020), Liotta E.M.<sup>17</sup> (2021) субарахноидал қон қуйилиши, БМШ, ўткир ишемик инсульт, интрацеребрал қон қуйилиши, бактериал менингит ва жигар энцефалопатияси бўлган нейрореанимацион беморларда нейрореанимацияда мультимодал мониторингни қўллаш учун қарор қабул қилиш бўйича мия шишини бошланғич даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш борасида кўп ишларни амалга оширишган.

Бош миянинг кўшма шикастланишида янги технологияларни қўллашнинг назарий жиҳатлари ва клиник тажрибасига оид адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, БМҚШ билан оғриган беморларни интенсив даволаш учун нейродиagnostик ва нейрохирургик стандартларни ишлаб чиқиш энг долзарб ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда БМҚШ билан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги схемасини такомиллаштиришнинг самарали усулларини ўрганишни шакллантириш учун кейинги тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тббиёт институтининг илмий-тадқиқотлар ишлари режасига мувофиқ №01.97000526, Россия Федерациясининг академик Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия илмий-тиббий тадқиқот маркази билан ҳамкорликдаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

<sup>9</sup> Canac N, Jaleddini K, Thorpe SG, Thibeault CM, Hamilton RB. Review: pathophysiology of intracranial hypertension and noninvasive intracranial pressure monitoring. *Fluids Barriers CNS*. 2020 Jun 23;17(1):40.

<sup>10</sup> Jha RM, Kochanek PM, Simard JM. Pathophysiology and treatment of cerebral edema in traumatic brain injury. *Neuropharmacology*. 2019 Feb;145(Pt B):230-246. doi: 10.1016/j.neuropharm.2018.08.004. Epub 2018 Aug 4.

<sup>11</sup> Liu D, Zusman BE, Shaffer JR. Decreased DNA Methylation of RGMA is Associated with Intracranial Hypertension After Severe Traumatic Brain Injury. *Neurocrit Care*. 2022 Jan 13. doi: 10.1007/s12028-021-01424-9.

<sup>12</sup> Сабиров Д.М., Красненкова М.Б. и др. Роль мониторинга вегетативной нервной системы в прогнозировании исходов у больных с тяжелой черепно-мозговой травмой. *Вестник экстренной медицины*, 2012, (1), 17-20.

<sup>13</sup> Исакулов Ш.Р. Интенсивная терапия при тяжелой сочетанной черепно-мозговой травме. *Бюллетень медицинских интернет-конференций*, 2017, 7 (7), 1354-1354.

<sup>14</sup> Al-Mufti F, Lander M, Smith B. Multimodality Monitoring in Neurocritical Care: Decision-Making Utilizing Direct and Indirect Surrogate Markers. *J Intensive Care Med*. 2019 Jun;34(6):449-463.

<sup>15</sup> Foreman B, Cass D, Forbes J, Ngwenya LB. A Bedside, Single Burr Hole Approach to Multimodality Monitoring in Severe Brain Injury. *J Vis Exp*. 2019 Mar 26;(145). doi: 10.3791/58993. PMID: 30985741.

<sup>16</sup> Cook AM, Morgan Jones G, Hawryluk GWJ. Guidelines for the Acute Treatment of Cerebral Edema in Neurocritical Care Patients. *Neurocrit Care*. 2020 Jun;32(3):647-666. doi: 10.1007/s12028-020-00959-7.

<sup>17</sup> Liotta EM. Management of Cerebral Edema, Brain Compression, and Intracranial Pressure. *Continuum (Minneapolis)*. 2021 Oct 1;27(5):1172-1200. doi: 10.1212/CON.0000000000000988. PMID: 34618757.

**Тадқиқотнинг мақсади** бош мия қўшма шикастланишининг ўткир даврида бош миянинг иккиламчи зарарланишларини ташхислаш, олдини олиш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бош мия зарарланишининг бирламчи сабабига боғлиқ ҳолда, БМҚШ турли шакллариининг кардинал клиник кечиши динамикасини ва клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш;

бош мия зарарланишининг иккиламчи сабабига боғлиқ ҳолда, БМҚШ турли шакллариининг клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

бош миянинг иккиламчи шикастланиши жиҳатидан ҳар хил турдаги бош мия қўшма шикастланиши учун оптимал ташхисот мажмуасини ишлаб чиқиш;

бош миянинг иккиламчи шикастланишининг асосий интракраниал ва экстракраниал механизмларига боғлиқ ҳолда консерватив даволаш усулларини аниқлаш;

бош миянинг қўшма шикастланишида нейротравматологик аралашувларнинг кўрсатмалари ва кўламини аниқлаштириш учун объектив мезонларни ишлаб чиқиш;

бош миянинг қўшма шикастланишида иккиламчи келиб чиқадиган интракраниал зарарланишларни даволашнинг хирургик усуллари тизимини асослаш ва ишлаб чиқиш;

бош миянинг қўшма шикастланишини консерватив ва хирургик даволаш усуллари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва шу асосда миянинг иккиламчи шикастланишининг хусусияти ва оғирлигига қараб оптимал даволаш алгоритми ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2013 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда РШТЁИМ Андижон филиалининг нейрореанимация ҳамда I-II кўшалок шикастланишлар бўлимларида кўриқдан ўтказилган ва даволанган бош миянинг қўшма шикастланиши бўлган 270 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** БМҚШнинг ўткир даврида бош мия шикастланишлари генезига боғлиқ ҳолда хирургик аралашувнинг янги усулларини амалга оширишнинг такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини ҳамда интракраниал ва экстракраниал зарарланишларга қараб интракраниал гематомаларнинг турли шаклларида дифференциаллашган нейрохирургик ва нейротравматологик тактика натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда бош мия қўшма шикастланишининг ўткир даврида бош миянинг иккиламчи зарарланишларини ташхислаш, олдини олиш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқишда умумий клиник, инструментал, рентгенологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бош мия қўшма шикастланишининг ўткир даврида миянинг ўчоқли ва диффуз зарарланишлари кечишининг интракраниал ва экстракраниал симптомлар билан тавсифланувчи клиник белгилар билан бир қаторда кўз қорачиғи ўзгаришини инобатга олган ҳолда асосланган;

бош мия қўшма шикастланишларида интракраниал ва экстракраниал

қўзғатувчи механизмларни дифференциация қилган ҳолда, мианинг иккиламчи зарарланишлари ривожланиши ва зўрайишининг перфузион қон босимини қўллаб туриш механизмларини зарарланишига олиб келадиган мия гемодинамикаси ва суюқлик айланишининг бузилишининг прогностик мезон эканлиги асосланган;

бош мия қўшма шикастланишларининг ўткир даврида клиник кўринишлар, мидаги ва периферик қон оқимидаги ўзгаришлар, бош мия иккиламчи зарарланишининг тизимли омиллари (гипотензия, гипоксемия, гипонатриемия, йирик бўғимлар ва суюқларнинг, умуртқа поғонасининг ҳамда орқа мианинг шикастланиши) асосида белгилаш асосланган;

бош мия қўшма шикастланишларининг ўткир даври фониди, мия шиши кучайиши билан, интракраниал босимни шошилишч мониторинг қилиш ва мия қоринчаларини дозали дренажлаш орқали мия шишишини бартараф этиш оқибатида дислокацион синдроми ривожланиш хавфини олдини олиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бош мия қўшма шикастланишлари бўлган беморларни дастлабки уч соат ичида ихтисослаштирилган шошилишч тиббий ёрдам муассасаларига ётқизиш даволаш самарадорлигини 2 баробардан ортиқ ошириши исботланган;

бош ва орқа мианинг кучайиб борувчи компрессиясида оператив аралашувлар ўтказишнинг оптимал муддатлари аниқланган;

қўшма шикастланишлар билан боғлиқ бўлган ва бош мианинг иккиламчи зарарланишини олдини олиш борасида шошилишч чоралар кўриш заруриятини кўрсатувчи салбий прогностик мезонлар аниқланган;

ташрих вақтидаги ва кейинги асоратларни, қон йўқотиш ва мия шишишини камайтиришга ёрдам берувчи, ва шу билан бош мианинг интракраниал гематомаларини хирургик даволаш натижаларини яхшиловчи Лагоден спрей маҳаллий дори воситасининг фойдали таъсири исботланган;

реанимация бўлимида гиповолемиа ва гипотония кўринишидаги бош мианинг иккиламчи зарарланишини олдини олиш учун, оғир БМКШ аниқланганда, чора-тадбирларни оёқ-қўлларга 4 та периферик ва марказий венага битта катетер ўрнатиш билан бошлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

ташхисотнинг мақбул ва исботли усулларини аниқлашга ҳамда беморни ихтисослаштирилган бўлимга ётқизишга имкон берувчи, бир вақтнинг ўзида камида бешта – нейрохирург, травматолог, анестезиолог-реаниматолог, терапевт ва умумий хирург мутахассислар томонидан кўрик ўтказишнинг клиник самарадорлиги аниқланган;

бош мианинг иккиламчи интракраниал ва экстракраниал зарарланишларини ташхислаш, олдини олиш ва нейротравматологик даволашнинг таклиф этилган мажмуи шифохонада бўлиш муддатларини қисқартириши ва ўлимни камайтириши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган

умумий клиник, инструментал, рентгенологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, нейромониторинг ўтказиш, неврологик функцияларни тикланиш жараёнини яхшилаш ва ишемик асоратлар эҳтимолини камайтиришга имкон берган бош миyaning бирламчи деформациясини ва кейинчалик интракраниал босимнинг ошишини моделлаштириш ёрдамида ўлимга олиб келадиган оқибатлар эҳтимолини башорат қилувчи омилларни ўрганиш, мия шишишида ҳужайра дегенерациясининг морфологик хусусиятларини ва патофизиологик жараёнларини аниқлаш орқали миyaning оғир шикастланишининг ривожланиш тамойиллари ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларни текшириш схемасининг такомиллаштирилганлиги, ўлимнинг кўрсаткичининг ва ушбу оғир турдаги патологияга чалинган беморларни даволаш учун иқтисодий харажатларнинг пасайишига олиб келган миyaning иккиламчи зарарланиши профилактикасига қаратилган оғир бош мия қўшма шикастланишини олдини олиш ва комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бош миyaning қўшма шикастланиши мавжуд беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли хирургик ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бош миyaning қўшма шикастланиши мавжуд беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли хирургик ёрдам сифатини оширишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Бош миyaning қўшма шикастланиши, интрацеребрал гематомаларни хирургик даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 08-09/7590-сон маълумотномаси). Натижада бош миyaning қўшма шикастланиши мавжуд беморларда даволаш сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда умумий ўлим кўрсаткичини 34,4% дан 15,4% гача қисқартириш имконини берган;

бош мия қўшма шикастланган жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида «Бош мия қўшма шикастланишининг ўткир даврида миyaning диффуз зарарланишлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 08-09/7590-сон маълумотномаси). Натижада миyaning диффуз зарарланишидан сўнг натижалар сифатини белгиловчи, ўз навбатида ҳам интракраниал, ҳам экстракраниал шикаст етказувчи иккиламчи омилларнинг ривожланишига боғлиқ бўлган бир неча омилларни аниқлаш имконини берган;

бош миyaning қўшма шикастланиши мавжуд беморларга кўрсатиладиган хирургик ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига, РШТЁИМ Андижон, Наманган ва Фарғона филиалларининг

нейрохирургия бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 08-09/7590-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бош мия қўшма шикастланган жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш, мия шишининг кучайишида кўрсатмалар бўйича интракраниал босимни шошилиш мониторинг қилиш ва мия қоринчаларини дозали дренажлаш БМҚШ нинг ўткир даврида дислокацион синдром ривожланиш хавфини олдини олиш, шифохонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ўлимни 30% гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** муаммонинг долзарблиги кўрсатилган ва ёритилган. БМҚШ да ўлим, қўшма шикастланишнинг ўткир даврида ташхис ва даволаш тактикасида кўплаб ҳал қилинмаган масалалар аниқланган. Юқоридагилар асосида илмий ишнинг мақсад ва вазифалари келтирилган. Шу билан бирга иш ҳажми, илмий тадқиқот предмети ва хусусияти, ушбу диссертация иши Ўзбекистонда фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича нашр қилинган ишлар апробацияси, тадбиқ этилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Таянч ҳаракат аппарати ва орқа мия шикастланиши билан бош мия ўткир қўшма шикастланиши»** деб номланган биринчи бобида БМҚШ да патогенез ва кечиш хусусиятлари тўғрисидаги адабиёт маълумотлари шарҳи кўриб чиқилган. Бобда муаммонинг замонавий ҳолати тўғрисидаги адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **«Кузатувнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мақсад ва вазифалари асосида олинган маълумотлар проспектив таҳлил қилинган.

Statistica 6,0 дастурида ўртача (M) ва нисбий (P) катталиқ, уларнинг арифметик хатосини (m) ҳисоблаш билан маълумотлар статистик қайта ишланган, фарқлар ишончилиги Стьюдент t мезони бўйича, белгилар ўртасидаги боғлиқлик Спирмен мезони бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «БМҚШ ўткир даврида бош мия иккиламчи шикастланишининг асосий бош мия ичи механизмлари прогностик мезони ва қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида умумий 270 беморнинг 158 нафарида (46%) бош мия ичи гематомаси мия босими ташхисланган, уларнинг кузатув ва даволаш натижалари берилган. Барча беморлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

1-гуруҳ: 127 бемор критик ҳолатда БМҚШ кузатилган беморлар учун талаб қилинадиган реанимацион ва нейротравматологик стандарт асосда даволанган;

2-гуруҳ: халқаро тавсияларнинг асосий қоидалари билан ишлаб чиқилган протоколга мувофиқ ёрдам кўрсатилган 143 жабрланувчи киритилган. БМҚШ кузатувида 100% ҳолатда бош мия шикастланиши ташхисланди ва у қуйидагича комбинацияланган:

- 46% ҳолатдаги кузатувда + оёқлар шикастланиши;
- 21% ҳолатда+ умуртқа синиши ва орқа мия шикастланиши
- 5% кузатув + сон суяги синиши;
- 28% ҳолатда + кўкрак қафаси шикастланиши.

Бир қатор муаллифлар маълумотларига кўра [Касумов Н.А.,Вердиев В.Г., Ибрагимов Ф.И., 2014;2018], сон суяги ва тос суяги синиши ҳамда шикастланишида 1,8-2,0 литргача қон йўқотиш мумкин. Елка суяги, биллак суяги ва тизза суяги шикастланганда800 мл дан 1 литргача қон йўқотиш мумкин. Бу маълумотлар қўшма шикастланишда постгеморрагик шокдан қутилишнинг қийинлигидан дарак беради.

Оғирлик ҳолати бўйича жабрланганларнинг тақсимланиши: 43% ҳолатда бош мия чайқалиши, 29% бош миянинг енгил даражада лат ейиши, 10% ҳолатда бош миянинг ўртача даражада лат ейиши, 13 % ҳолатда бош миянинг оғир даражада лат ейиши, 5% ҳолатда диффуз-аксонал шикастланиш, 33% ҳолатда очик бош мия шикастланиши (БМТ), 67% ҳолатда ёпиқ БМТ аниқланган. Биз бош мия қўшма шикастланиши таснифини ишлаб чиқдик ва тавсия қилдик.

I даражада БМҚШ - оғир бўлмаган БМТ ва оғир бўлмаган бош миядан ташқари шикастланиш;

II даражада БМҚШ - оғир бўлмаган БМТ ва оғир бош миядан ташқари шикастланиш;

III даражада БМҚШ - оғир БМТ ва оғир бўлмаган бош миядан ташқари шикастланиш;

IV даражада БМҚШ - оғир БМТ ва оғир бош миядан ташқари шикастланиш;

Биринчи даражадаги БМҚШга – бош мия чайқалиши, бош юмшоқ тўқимасининг лат ейиши + оёқлар, умуртқа ва гавда юмшоқ тўқималарининг лат ейиши киради.

Иккинчи даражадаги БМҚШ га – бош мия чайқалиши + турли найсимон суяклар, ясси ва булутсимон суяклар ҳамда умуртқа синиши ва чиқиши киради.

Учинчи даражадаги БМҚШ га –оёқлар, умуртқа ва гавда юмшоқ тўқималарининг лат ейиши + бош миянинг енгил, ўртача ва оғир даражадаги

лат ейиши, диффуз-аксонал шикастланиш, бош ва бош мианинг босими киради.

Тўртинчи даражадага БМҚШга – I,II,III даражада бош мианинг лат ейиши, ДАП, бош мия эзилган + турли найсимон суяклар, ясси ва булутсимон суяклар ҳамда умуртқа синиши ва чиқиши, кўпайиши киради.

Мазкур бобда шикастланиш олган кундан бошлаб, тўлиқ динамик компьютер томографик текширув ўтказган 101 нафар бемор таҳлили берилган. Статистик таҳлил асосий клиник ва компьютер томографик ҳамда МРТ маълумотларидан (бош мия ичи гематомасининг ҳажми, мия бўртиши, мия шишининг тарқалганлиги, тиниқ тўсиқнинг силжиши) фойдаланиб ўтказилди. Беморлар миасининг қисилиш сабабига боғлиқликда гуруҳларга ажратилди: I гуруҳга 46 кузатувда бош мианинг лат ейиши кузатилмаган, аммо бош мия қисилиши билан бош мия ичи гематомаси аниқланган. II гуруҳда 34 ҳолатда бош мианинг қисилиши билан булутсимон гематома аниқланган; III гуруҳга - мия ичи гематомасининг қисилиши билан бош мия паренхиматоз шикастланиши ифодаланган 21 нафар бемор киритилган.

Жабрланганларнинг аксарияти - 55% автоҳалокатда, 22% - баландликдан йиқилганда, 23% - бош суякка урилганда шикастланиш олган.

Бош мия ичи гематомасида кўпроқ шикастланиш сабаби бошга зарба бериш ёки бош билан йиқилиш, шунингдек автошикастланишлар бўлади. Уларнинг ўртача ёши катта бўлган (1-жадвал). Улар ҳолатининг оғирлиги иккинчи гуруҳ ҳолати оғирлигидан деярли фарқ қилмади ( $t=1,6$ ;  $p>0,05$ ). Гематоманинг ўртача ҳажми ва ўрта структуранинг силжиши бу гуруҳда энг кичик бўлди.

#### 1-жадвал

#### Кардинал клиник натижа ва уларнинг кўрсаткичлари

Гуруҳларнинг кардинал симптомлари	I	II	III
Кузатувлар сони	46	34	21
Ўртача ёши	45,1±1,5	33±2,1	38±2,1
ШКГ бўйича ўртача балл	8,5±0,3	9,3±0,4	6,9±0,3
Беҳушлик (кома) нинг ўртача давомийлиги (кун)	5,1±0,8	4,2±0,8	6,4±0,9
Гематоманинг ўртача ҳажми	30,1±1,7	65,1±5,3	71,1±5,3
Ўртача латерал силжиш	3,1±0,4	3,2±0,5	4,0±0,6
<b>Натижалар</b>			
Яхши тикланган	31	23	13
Ўртача ногиронлик	7	6	5
Чуқур ногиронлик ва ВХ	6	3	2
Ўлимга олиб келиш	2	2	1

*ВХ- вегетатив ҳолат;*

Иккинчи гуруҳ беморларнинг жуда ёшлиги ва қисқа ҳушсиз ҳолатда келган беморлар ҳолатининг унчалик оғирликда эмаслиги билан тавсифланади. Мазкур гуруҳда бош мия кўшма шикастланиши сабабларини исботли кўришда ҳар қандай шикастланиш механизмлари устунлигини

аниқлашнинг имкони бўлмади. Булутсимон гематоманинг ўртача ҳажми мия ичи гематомасига нисбатан икки марта катта бўлиб, ўрта структуранинг силжиши яхши ифодаланган.

Учинчи гуруҳ беморлар ҳолатининг анча оғирлиги билан тавсифланади, бу гуруҳда бош мия қўшма шикастланишсининг энг кўп учрайдиган сабаби йўл тарнспорт ҳодисалари бўлган (25%). Ундан ташқари, ҳушсизлик ҳолатининг давомийлиги миянинг қисилиши турида энг кўп учради. Мазкур гуруҳда беморлар шикастланишнинг оғирлиги, бош мия ичи гематомасининг максимал ўртача ҳажми ва бош мия медиал қисмининг максимал латерализациясининг мослиги кузатилди.

2-3–гуруҳларда 42% кузатувда “ёруғ оралиқ” аниқланди ва булутсимон гематома аниқланган беморлар кузатилди. Ёруғлик оралиғи кузатилган беморлардаги барча неврологик симптомлар орасида анизокория ва фотореакциянинг пасайиши ёки эзилиши энг кўп учрайди. Ушбу неврологик симптомлар кўпинча ёруғлик оралиғи кузатилмаган беморларга нисбатан ёруғлик оралиғидан жабрланган беморларда кўпроқ кузатилади. Ёруғлик оралиғидан жабрланганларда анизокория ва фотореакциянинг тушиши ёки бош мия томонидан эзилиши учраш частотаси кўпроқ учинчи гуруҳда кузатилди (паренхиматоз шикастланиш билан кузатиловчи мияни булутсимон гематома қисиши) ва 90% ни ташкил қилди. Ёруғ оралиқ ва анизокория кузатилган беморларда миянинг булутсимон гематомалар томонидан қисилганлигини катта эҳтимолликда тахмин қилиш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ёруғ оралиқ кузатилган ва кузатилмаган беморларда неврологик намоён бўлиш таҳлили (%).**

<b>Неврологик симптомлар</b>	<b>Ёруғ оралиқ кузатилган беморлар</b>	<b>Ёруғ оралиқ кузатилмаган беморлар</b>
Анизокория	57	35
ФР нинг тушиши ёки йўқолиши	56	40
КР нинг тушиши ёки йўқолиши	51	60
Кўз олмасининг ҳар хил жойлашиши	24	36
рЮОҚ мавжуд эмаслиги ёки чегараланиши	44	58
ОЦ нинг тушиши ёки пасайиши	36	48
ПР нинг мавжудлиги	29	41
ГС нинг мавжудлиги	49	39

*ФР-фотореакция; КР-корнеал рефлекслар; рЮОҚ-рефлекторнинг юқорига қараши; ОЦ-окулоцефалик рефлекс; ПР-постурал реакция; ҚС-қўпол гемисиндром.*

Клиник ва МСКТ таққослаш мия қисилиши кузатилган барча беморлар учун команинг давомийлиги ҳамда натижа ўртасида узвий боғлиқликни кўрсатди ( $r=0,6$ ;  $p<0,01$ ). Бу беморларда натижа келган вақтидаги оғирлик ҳолати ( $r=0,5$ ;  $p<0,01$ ), бош мия ичи гематомаси ҳажми ( $r=0,3$ ;  $p<0,05$ ), мия шишишининг ифодаланиши ( $r=0,4$ ;  $p<0,01$ ), асосий қоринчаларнинг қисилиш



даражаси ( $r=0,3$ ;  $p<0,05$ ), ўрта структуранинг силжиш даражаси ( $r=0,2$ ;  $p<0,05$ ) билан сезиларли даражада боғланган.

Ёруғлик оралиғи аниқланган беморларда қонуниятларни аниқлашда гематома ҳажми, мия шишининг ифодаланганлиги, ўрта структуранинг силжиш даражаси ва асосий цистернанинг қисилиш даражаси билан натижани кучли тузатиш аниқланди ( $p<0,05$ ). Шикастланишдан кейин бирдан ҳушини йўқотган беморларда бу корреляция кучсиз ифодаланган ва ишончсиз ( $p>0,05$ ). Бу ёруғлик оралиғидан жабрланган беморларда бирламчи шикастланиш оғир кечганда кейинчалик касалликнинг кечиши бош мия иккиламчи шикастланиши ривожланиш механизмлари – гематома ҳажмининг катталашиши, мия шишининг ўсиб бориши, ва унга мос тарзда мия силжишининг кучайиши билан тавсифланишини кўрсатади.

Ҳар хил ёшдаги беморларда қисилиш қонунияти бир-биридан фарк қилди. Корреляцион таҳлил асосида 40 ёшдан кичик беморларда ( $n=146$ ) қисилувчи субстрат ҳажми ( $r=0,3$ ;  $p<0,01$ ), мия шишининг тарқалганлиги ( $r=0,5$ ;  $p<0,01$ ), ошқозон тизимининг қисилиш даражаси ( $r=0,3$ ;  $p<0,01$ ) ва асосий цистернга ( $r=0,3$ ;  $p<0,01$ ) боғлиқ. 40 ёшдан катта ( $n=56$ ) беморларда шикастланиш натижаси кўрсатилган кўрсаткичлар билан корреляция қилинмади. Бундай қонуният адабиётларда ёритилмаган [Е.И. Гайтур, 1999-2014] бўлиб, биринчи марта дунё амалиётида аниқланди. Мазкур қонуниятни тушунтириш имконияти 40 ёшгача бўлган беморларда интракраниал заҳира ликвор бўшлиқ ҳажмининг камлиги, бўшлиқда бош мия ичи босимининг ҳаддан ташқари ошишида қўшимча ҳажмининг пайдо бўлиши ҳисобланади ҳамда шикастланиш натижасига таъсир қилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари мия қисилиши бош мия ичи гематома турига боғлиқликда ҳар хил бўлиб ўтишини тасдиқлашга имкон беради. Булутсимон гематома билан мия қисилиши учун энг характерли ёруғлик оралиғининг мавжудлиги, анизокория ва фотореакциянинг бузилиши ҳисобланади. Ёруғлик оралиғи кузатилган беморларда шикастлаништик касалликнинг кечиши нафақат миянинг бирламчи шикастланишига, балки маълум даражада бош мия иккиламчи шикастланиш генезига ҳам боғлиқ. Мия қисилиши маълум даражада бош мия ичи гематомасининг критик ҳажмига эга бўлиб, ликвор бўшлиқнинг компенсатор имконияти бузилмайди. Маълумотларимизга кўра, у 30 мл га тенг.

Бизнинг тадқиқотларимизда мия қон айланиш тезлиги кўп қиррали хусусиятга эга бўлди. Қон оқими тезлигининг пасайиши шикастланишнинг оғирлиги ва оғир БМКШ билан оғриган беморларнинг натижалари билан сезиларли даражада боғлиқ бўлди. Фокал жараёнлар билан "соғлом" томон ва диффуз шикастланишлар билан солиштирганда, қон оқими тезлигининг энг аниқ пасайиши шикастланиш томонида кузатилди. Шикастланишдан кейинги дастлабки уч кун ичида қон оқимининг ўртача тезлигининг пасайишининг катта прогностик қиймати аниқланди. Қон оқими тезлигининг сезиларли даражада пасайиши билан, одатда, ўлимга олиб келадиган натижа пайдо бўлди. Аниқланишича, диффуз шикастланган беморларда қон оқимининг чизиқли тезлигининг ошиши мия гиперемиясига асосланган бўлса, ўчоқли шикастланишлар билан оғриган беморларда чизиқли қон оқимининг тезлиги

кўпинча ангиоспазм ривожланиши билан боғлиқ. Жиддий БМКШ билан оғриган беморларда авторегуляция бузилганлиги сабабли чизикли қон оқими тезлигининг пасайиши, бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, ишемик фокал мия шикастланишига олиб келади, бу бизнинг тадқиқотимиз натижасида олинган маълумотлар билан тасдиқланди.

Клиник ва статистик таҳлил шуни кўрсатдики, йирингли-яллиғланиш асоратларининг ривожланиши фокал мия шикастланиши учун кўпроқ хосдир. Комбинацияланган краниоцеребрал шикастланишдан кейин юқумли асоратларнинг ривожланиши жароҳатларнинг кечишига ва охир-оқибатда натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади ва ўлимни кескин оширади. Шикастдан кейинги менингит, вентрикулит ва энцефалитнинг этиологик омиллари ярмида грам-мусбат микроорганизмлар ва ярмида грамм-манфийдир. Жиддий механик шикастланишга учраган беморларда лейкоцитлар ва лимфоцитлар томонидан тироксинни ўзлаштиришнинг кўпайиши фагоцитлар фаоллигини оширишга ёрдам беради, шунингдек тималиннинг фагоцитлар фаоллигига таъсири кучаяди ва оғир мия шикастланишидан кейин беморларда иммунитет кучаяди.

Шундай қилиб, шикастлаништик мия касаллигининг клиник кечишида интракраниал гипертензия, мия шишиши, миянинг силжиши ва деформацияси, мия гемодинамикаси ва суюқлик айланишининг бузилиши, мия метаболизмининг бузилиши ривожланишига олиб келадиган иккиламчи интракраниал патогенетик механизмлар муҳим рол ўйнайди, шунингдек, йирингли-яллиғланиш асоратларнинг ривожланиши хам.

Диссертациянинг **«Қиёсий-корреляцион таҳлил ва қўшма бош мия шикастланишида иккиламчи мия зарарланишининг асосий тизимли механизмларининг прогностик мезонлари»** деб номланган тўртинчи боби лаборатор кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш асосида тадқиқот натижаларини тавсифлашга бағишланган. Артериал гипотензиянинг прогностик қийматини аниқлаш учун оғир мия шикастланиши билан оғриган 187 бемор танланди. Терминал ҳолатидаги беморларда кузатилган кўрсаткичлар тадқиқотдан чиқарилди.

Юрак уриши сони ва қон босими назорат қилинди. Биз тизимли айланиш параметрларининг биоген аминлар кинетикасига, клиник неврологик ва радиологик тадқиқотлар маълумотларига боғлиқлигини таҳлил қилдик.

Қўшма краниоцеребрал шикастланишдан кейин 1-21 кунларда тизимли гемодинамиканинг селектив параметрларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, артериал гипотензия (қабул қилинганда ва дастлабки 14 кун ичида) 81% ҳолларда аниқланган. Бу шикастлаништик кома маълумотлар банкини таҳлил қилиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 34,6% бўлган артериал гипотензия пайдо бўлиш фоизидан сезиларли даражада ошади. Ҳаммаси бўлиб, фақат бош мия қўшма шикастланишлари билан оғриган беморларнинг бизнинг материалимизда артериал гипотензия эпизодлари 88% ҳолларда аниқланган. Бу яна бир бор ётқизилган беморларда артериал гипотензия қўшма шикастланишлар билан боғлиқлигини ва қон йўқотиш ва қон тўпланишининг оқибати эканлигини исботлайди.

Энг кенг тарқалган артериал гипотензия диффуз шикастланишлари

бўлган беморларда (51%) ва фокал шикастланишлари бўлган беморларда (30%) камроқ кузатилган. Эрта артериал гипотензия билан оғриган беморларда натижалар ёмонроқ (85% ўлим ва вегетатив ҳолатлар). Артериал гипотензияни бошдан кечирмаган қурбонлар гуруҳида ўлим ва вегетатив ҳолатлар сони 15% ни ташкил этди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, оғир шикастлаништик мия жароҳати билан оғриган беморларда систолик қон босимининг пасайишининг иккита муҳим даражаси мавжуд. Биринчиси - ўртача артериал босимнинг 70-89 мм.сим.уст. оралиғида пасайиши билан - ўлимга олиб келадиган натижа фақатгина 20% ҳолларда кузатилган, иккинчиси - ўртача артериал босимнинг <70 мм.сим.уст. пасайиши билан - ўлимга олиб келадиган натижа 61% ҳолларда кузатилган.

Бундан ташқари, артериал гипотензия билан оғриган беморларда, қабул қилиш пайтидаги аҳволнинг тахминан бир хил оғирлигига қарамай (артериал гипотензия билан оғриган беморларда Глазго кома шкаласи бўйича ўртача балл  $5,1 \pm 0,6$ , нормадан юқори бўлган беморларда -  $5,7 \pm 0,4$ ; фарқ аҳамиятсиз,  $p > 0,05$ ), команинг ўртача давомийлиги артериал гипотензия бўлганларда сезиларли даражада узоқроқ бўлган ( $10,2 \pm 2,1$  кун,  $4,9 \pm 1,6$  кун, артериал гипотензия эпизодлари бўлмаган қурбонларда;  $p < 0,05$ ).

Эрта артериал гипотензиянинг генезиси турли сабабларга кўра айланма қон ҳажмининг мутлақ ёки нисбий камайиши натижасида юзага келади. Ушбу ҳодиса 72% ҳолларда кузатилади ва 37,2% да айланма қон ҳажмининг пасайиши аниқ бўлиб, ўткир гиповолемияни кўрсатади. 52% ҳолларда гиповолемик бузилишлар юрак уриши ҳажмининг пасайишига олиб келди ва бу фақат 15,1% ҳолларда қопланади. Бир томонда юрак индекси ва айланма қон ҳажми ( $r=0,56$ ;  $p < 0,05$ ) ва бошқа томондан айланма қон ҳажми ва инсулт индекси ( $r=0,57$ ;  $p < 0,01$ ) ўртасида сезиларли боғлиқлик аниқланди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, миянинг бирламчи шикастланиши шикастланишнинг иккиламчи тизимли механизмлари пайдо бўлиши билан кучаяди.

Перфузион босимни ушлаб туриш механизмларининг шикастланиши оғир бош мия қўшма шикастланишларида (мия қон оқимининг авторегуляцияси қисман ёки тўлиқ бузилган) катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ривожланиши билан мия гомеостазнинг тизимли бузилишларига етарли даражада "жавоб беришни" тўхтатади. Натижада, мия тўқималарига, асосан, ишемик характерга эга бўлган турли хил иккиламчи шикастланишлар мавжуд.

Ушбу ишемик бузилишлар мия шикастланишининг иккиламчи тизимли механизмлари туфайли юзага келади. Шунинг учун уларни эрта аниқлаш ва тўхтатиш терапевтик тадбирларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Олинган маълумотларга асосланиб, биз ўткир даврда бирга келадиган краниоцеребрал шикастланишларни ташхислаш ва даволаш тамойиллари алгоритмини ишлаб чиқдик ва таклиф қилдик (3-жадвал).

Диссертациянинг «**Бош мия қўшма шикастланишлари билан оғриган беморларда марказий асаб тизимининг диффуз шикастланишлари клиникаси, диагностикаси ва натижалари**» деб номланган бешинчи бобида клиник ва лаборатор кўрсаткичлар динамикасини ҳисобга олган ҳолда ушбу турдаги патологияни даволаш натижалари тақдим этилган.

### 3-жадвал

Қўшма шикастланиш даражаси, БМТ, ББМТ ва ОДА	Альговер бўйича шок индекси	Ўткир қон йўқотиш	ГҲ ва АҚҲ бўйича танқисликнинг оғирлик даражаси	Прогноз	Даволаш тамойиллари ва йўллари
Қўшма шикастланишнинг I даражаси	Шок I- даражаси 0,5-0,75 балл	0,5 литргача	ГҲ танқислиги- 30% АҚҲ танқислиги- 10%	Ижобий прогноз - 100%	1. Дегидротацион терапия 2. Кристаллоид ва коллоид юбориш 3. Анальгетиклар (Анальгезия) 4. Симптоматик даволаш 5. Гемостатик 6. Антибиотикотерапия (РЛТ) 7. ЦПБ ни ўлчаш ва ҳисобга олиш
Қўшма шикастланишнинг II- даражаси	Шок II даражаси I- 1,25 балл	0,5-дан 1 литргача	ГҲ танқислиги- 30-45% АҚҲ танқислиги- 20% гача	Ижобий -75% Нохуш - 25%	1. Нискомол, декстран, коллоид ва кристаллоидларни юбориш 2. Дегидротацион терапия (РЛТ) 3. Анальгезия (ГОМК, Кетамин) 4. Гемостатиклар. 5. Гепаринизация 6. ЦПБни ўлчаш ва ҳисоблаш 7. Симптоматик даволаш 8. Шош-ч жарроҳлик аралашуви 9. Антибиотикотерапия (РЛТ)
Қўшма шикастланиш III- даражаси	Шок III даражаси I,5-2 балл	1-2 литрдан	ГҲ танқислиги -40-60% ҚАҲ танқислиги-31-40%	Ижобий -50% Нохуш - 50%	Эритроцит, альбумин, коллоидлар, кристаллоид-ларни юбориш. 2. Анальгезия. (ГОМК, Кетамин) 3. Гемостатиклар 4. Гепаринизация 5. Глюкокортикоидлар 6. Гормонотерапия 7. Ёнбош қоринчалар пункцияси ва мониторинги 8. Кучайган адекват (РЛТ) дегидротацион терапия 9. ЦПБ ўлчаш ва ҳисоблаш 10. Симптоматик даволаш 11. Антибиотикотерапия (РЛТ) 12. Шош-ч жарроҳлик аралашуви
